

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019. Tib.64.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ КОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАРИПОВ ИСЛАМЖАН МАМАТХАНОВИЧ

**АСОРАТЛАНИШ ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАР ГУРУҲИДА ИШЛАБ ТУРГАН ЮРАҚДА
АОРТО-КОРОНАР ШУНТЛАШ АМАЛИЁТЛАРИНИНГ
НАТИЖАЛАРИ**

**14.00.06 – Кардиология
14.00.34 – Юрак-Кон томир хирургияси**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Шарипов Исламжан Маматханович

Асоратланиш хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳида ишлаб турган юракда аорто-коронар шунтлаш амалиётларининг натижалари 3

Шарипов Исламжан Маматханович

Результаты операций аорто-коронарного шунтирования на работающем сердце у больных группы высокого риска осложнений 31

Islamjan M.Sharipov

Results of off-pump coronary artery bypass surgery in patients of high surgical risk group 60

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 64

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019. Tib.64.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ КОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАРИПОВ ИСЛАМЖАН МАМАТХАНОВИЧ

**АСОРАТЛАНИШ ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН
БЕМОРАЛАР ГУРУҲИДА ИШЛАБ ТУРГАН ЮРАКДА
АОРТО-КОРОНАР ШУНТЛАШ АМАЛИЁТЛАРИНИНГ
НАТИЖАЛАРИ**

**14.00.06 – Кардиология
14.00.34 – Юрак-Кон томир хирургияси**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.DSc/Tib328 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Курбанов Равшанбек Давлетович
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
Суннатов Равшан Джалилович
Тиббиет фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Алимов Дониёр Анварович
тиббиёт фанлари доктори

Хубулава Геннадий Григорьевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
(Россия Федерацияси)

Фогт Пауль Роберт
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Цюрих,
Швейцария)

Етакчи ташкилот:

**И.И.Мечников номидаги Шимолий-Гарб Давлат
Тиббиет университети (Санкт-Петербург, Россия
Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100052,Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй, Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси)

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги бир марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Саноати ривожланган мамлакатларда юрак-қон томир касалликлари ўлим таркибида етакчи ўринни эгаллайди. Шундай қилиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра дунёда ҳар йили 17 миллиондан ортиқ одам юрак-қон томир касалликларидан, шундан 7 миллиондан ортиғи юрак томирлари касаллигидан вафот этади. Афсуски, ушбу касаллик жисмоний ва ижтимоий фаоллик чўққисида бўлган, энг меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларга таъсир қилади. Ушбу касалликни даволашнинг самарали усулларидан бири жарроҳлик миокард ревазуляризацияси – аорто-коронар шунтлаш (АКШ) амалиётидир. Сунъий қон айланиши (СҚА) ва кардиоплегия (КП) шароитида бажариладиган АКШ амалиётининг стандарт классик техникасининг етарли даражада қониқарсиз натижалари, 90-йилларнинг охири ва 2000-йилларнинг бошларида СҚА аппарати ишлатмасдан, уриб турган юракда АКШ операцияларини бажаришга бўлган қизиқишни кучайтирди. Хозирги кунда, Шимолий Америка ва Ғарбий Европада ишлаб турган юракда АКШ амалиётларининг нисбати амалга оширилган АКШ амалиётларининг умумий сонини 15-20% даражасида барқарорлашди, бу эса ушбу усулни клиник амалиётга кенг тадбиқ этиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини аниқ намойиш этади.

Жаҳонда ЮИК бор беморларни жарроҳлик хавфини баҳолашда янгича ёндашувлар ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ЮИК билан касалланган беморларни хирургик усуллар билан даволашни мақбуллаштириш, ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида даволаш усулларини мукамаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Охирги вақтларда олим ва клиницистларнинг диққати юқори жарроҳлик хавфи бўлган беморларда уриб турган юракда АКШ операцияларини бажариш имконияти ва хавфсизлигини, уларни тез ва узоқ муддатли натижаларини баҳолашга қаратилмоқда ва ЮИК билан касалланган АКШга кўрсатмаси бор беморларда юрак ритмининг турли бузилишларини олдини олиш ва даволашда ҳар хил услубларни самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганиш, ёндашувни оптималлаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, бирламчи тиббий ёрдамда кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини оптималлаштириш ва амалий тиббий ёрдамга юқори технологик усулларни жорий этиш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичларини пасайтиришни таъминлаш ва аҳоли ҳаёт

давомийлигини узайтириш»¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кардиология соҳасини изчил ривожлантириш, юрак-қон томир касалликларини олдини олиш, ҳавф омилларини эрта аниқлаш ва касалликни даволашда юқори технологияли кардиожаррохлик усулларини самарадорлигини ошириш, шу жумладан ЮИҚни эрта ташхислаш, касаллик клиник кечишини прогнослаш, кардиожаррохлик йули билан даволаш чораларини оптималлаштириш ва бунинг натижасида касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги УП-4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПП-1652-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПП-3071-сонли Қарорида, шунингдек ушбу фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиянинг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Бугунги кунга келиб, дунёда СҚА қурилмасидан фойдаланмаган ҳолда, уриб юракда АКШ операцияларининг натижаларини баҳолашга бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув муассасаларида олиб борилади. Булар орасида Center for Cardiovascular Research Charité (Германия), Columbia University Medical Center, New York-Presbyterian Hospital (США), Kyoto University Hospital, Geneva University Hospital (Швейцария), Seoul National University Hospital (Жанубий Корея), В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббиёт текшириш маркази, Россия кардиологик илмий-ишлаб чиқариш комплекси каби етакчи муассасалар мавжуд.

Хозирги кунга қадар юздан ортиқ тадқиқотлар ўтказилган. Мисол учун, энг катта рандомизацияланган синовлардан бирида - 2009 йилда нашр этилган ва 2203 (шу жумладан 1099 та СҚА ва КП шароитида стандарт АКШ ўтказилган ва 1104 – ишлаб турган юракда АКШ) беморни ўрганишни ўз ичига олган ROOBY деб номланган тадқиқотда касалхонада ўлим, периператив

¹ 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

² www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed, www.nhlbi.nih.gov, www.heart.org, www.acc.org, www.medscape.com, www.cardiosite.ru, www.bmj.com, www.esc.org, www.consilium-medicum.com, www.globalcardiology.org, www.who.int.

миокард инфаркти ва инсульт нуктаи назаридан ишлаб турган юракда миокард реваскуляризациясини (МР) стандарт АКШ устидан афзалликларини ишончли тарзда намойиш этолмаган. Бироқ, ушбу тадқиқот фақат паст жарроҳлик хавфи бўлган беморларни ўз ичига олган. 2006 йилдан 2011 йилгача дунёнинг 19 мамлакатидан 79 та кардиожарроҳлик марказлари иштирок этган ва 4752 нафар беморни ишлаб турган юракда АКШ (2375 бемор) ва стандарт АКШ (2377 бемор) гуруҳларига рандомизациялашган яна бир кўп марказли тадқиқот (CORONARY) ўтказилди ва унинг натижалари 2012 йилда эълон қилинди. Рандомизация қилинган Best Bypass Surgery Trial тадқиқотида ишлаб турган юракда АКШ ва стандарт (СҚА ва КП шароитида) АКШ амалиётларининг қиёсий натижалари 339 беморда ўрганилди. Бошқа кўп марказли рандомизациялашган тадқиқот - GORCABE (The German Off-Pump Coronary Artery Bypass in Elderly study) – 75 ёшдан катта булган беморларда ишлаб турган юракда ва стандарт АКШ амалиётларининг қиёсий натижалари ўрганилди. 2539 беморлар ишлаб турган юракда (I гуруҳ - 1271 бемор) ва СҚА ва КП шароитида (II гуруҳ - 1268 бемор) АКШ ўтказиш учун рандомизация қилинган. Ушбу мавзу бўйича яна бир тадқиқот - бу DOORS Study (the Danish On-Pump Versus Off-Pump Randomization Study). Ушбу кўп марказли рандомизацияланган тадқиқотда юракни тўхтатишсиз ва СҚАсиз (I гуруҳ - 450 бемор) ва СҚА шароитида стандарт АКШ (II гуруҳ - 450 бемор) ўтказган 70 ёшдан катта 900 та бемор рўйхатга олинган. Италиядан олиб борилган жуда қизиқарли рандомизацияланган тадқиқот натижалари 2012 йилда эълон қилинган. "ON-OFF" деб номланган тадқиқотда (On-pump versus off-pump coronary artery bypass surgery in high-risk patients: Operative results of a prospective randomized trial (on-off study)) амалга оширилган амалиёт турига кўра гуруҳлар: I гуруҳ – ишлаб турган юракда 208 та бемор ва II гуруҳ - СҚА ва КП шароитида АКШ ўтказган 203 бемор рандомизация қилинган.

Ҳозирги кунда дунёда жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда (70 ёшдан ошган беморларда, аёлларда, миокард қисқариш қобиляти пасайган одамларда, ўткир инфарктнинг турли даврларида, эксклюзив артериал кондуитларни ишлатиш билан) ишлаб турган юракда АКШ амалиётларини бажаришнинг турли жиҳатларига бағишланган бир қатор устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу турдаги амалиётларга кўрсатмалар ва карши кўрсатмаларни аниқлаштириш, амалиётдан олдинги хавф омилларини ва операциядан кейинги узоқ муддатли натижаларни баҳолаш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, ишлаб турган юракда АКШ амалиётини ўтказадиган беморларда юрак ритми бузилишларининг турли турларига бағишланган тадқиқотлар ва уларнинг тез ва узоқ муддатлардаги натижаларга таъсири катта аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ЮИК билан оғриган беморларда миокард реваскуляризацияси жараёнларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий-экспериментал, клиник тадқиқотлар ўтказилган ва амалга оширилган. Миокард реваскуляризацияси (МР) дунёнинг кўплаб марказларида танлов усули сифатида қабул қилинганига қарамай, 30 йилдан ортиқ вақт давомида

юрак томирлари касаллигининг жарроҳлик йўли билан даволашда икки хил ёндашувнинг самарадорлиги тўғрисида қизгин баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Ҳар бир усулни қўллаб-қувватловчилар ўртасидаги зиддиятлар ҳали ҳам ҳал қилинмаган. Бугунги кунга келиб, ишлаб турган юракда АКШ ва стандарт АКШ (СҚА ва КП шароитида) амалиётларининг қиёсий таҳлили бўйича 110 дан ортиқ клиник тадқиқотлар ва мета-анализлар ўтказилган. Бироқ, уларнинг аксарияти қарама-қарши натижаларни кўрсатди ва аниқ бир усулнинг бошқасига нисбатан афзалликларини аниқлай олмайди. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, ишлаб турган юракдаги АКШ амалиёти қон қуйиш эҳтиёжининг пасайиши, сунъий ўпка вентилляцияси (СЎВ) давомийлигини қисқариши, кардиотропик ферментлар ишлаб чиқарилишининг пасайиши, касалхонада даволаниш даври ва нархининг пасайишига олиб келади. Аммо буларнинг барчаси, уларнинг фикрига кўра, реваскуляризация тўлиқлиги ва шунтларнинг 1 йиллик утказувчанлиги ҳисобига эришилади. СҚА ва КП дан фойдаланиш фактини истисно қилиш ва шу билан бирга тизимли яллиғланиш реакциясини, газ ва моддий макро- ва микроэмболияни, кардиоплегия босқичида миокард ишемиясини ва бошқаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча хавфларни ҳисобга олган ҳолда, миокард захираси камайган ёки олдиндан мавжуд бўлган чап коринча дисфункцияси аниқланган беморларда фойдали бўлиши аниқ. Шунга қарамай, баъзи тадқиқотчилар СҚА ва КП шароитидаги стандарт АКШ да юқори сифатли анастомозларни яратиш ва тўлиқ миокард реваскуляризациясига эришиш мумкинлигига шубҳа қилишади.

Сўнгги ўн йилликларда биз миокард реваскуляризациясини талаб қиладиган одатдаги "бемор профилининг" ўзгаришига дуч келмоқдамиз. Шундай қилиб, улар каттарок ёш, кўпроқ коморбид патологиялар билан биргаликда илгари ўтказилган ЧКВ муолажалари ёки миокардни реваскуляризация қилиш амалиётлари "юки" билан боғлиқ бўлади. Бундай беморларда СҚА ва КП шароитида стандарт АКШ амалиётини ўтказиш самаралидир, аммо барибир юқори ўлим хавфи (2-5%), цереброваскуляр ходисалар (2-4%), гемотранфузия (30-90%), бўлмачалар фибрилляцияси (30%) ва нейрокогнитив бузилишлар (50-75%) келиб чиқиш хавфини оширади. Бунинг натижада, ишлаб турган юракда АКШ амалиётини қайта оммалаштириш ва тарқатиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда асосан академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ асосида амалга оширилган ишлаб турган юракда АКШ амалиётларини бажаришнинг турли жиҳатлари бўйича тадқиқотлар эндигина бошланди. Юқорида келтирилган маълумотлар билан боғлиқ равишда жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда, шунингдек, юрак ритми бузилишининг ҳар хил турларига чалинган беморларда ишлаб турган юракда АКШ амалиёти натижаларини ўрганиш замонавий кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Республика ихтисослаштирилган

кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг тадқиқот ишлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техника кумитасининг ПШИ-10 "Янги технологиялар, касалликларни аниқлаш, даволаш, профилактика ва реабилитация қилиш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш" лойиҳаси асосида олиб борилди.

Тадқиқот мақсади юқори хавфга эга бўлган беморларда ишлаб турган юракда сунъий қон айланишсиз аорто-коронар шунтлаш амалиётлари натижаларини яхшилаш ва бу турдаги жарроҳлик аралашувларига кўрсатмалар ҳамда қарши кўрсатмаларни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Юқори ва паст жарроҳлик хавфига эга беморларда ишлаб турган юракда АКШ амалиётлари натижаларини аниқлаш;

Чап коронар артерия ўзани шикастланиши мавжудлигининг ишлаб турган юракда АКШ амалиётларининг яқин ва узоқ даврдаги натижаларига таъсирини баҳолаш;

Миокард паст қисқарувчанлик қобилиятининг ишлаб турган юракда АКШ амалиётларини яқин ва узоқ даврдаги натижаларининг таъсирини баҳолаш;

юқори жарроҳлик хавфига эга беморларда ишлаб турган юракда АКШ амалиётлари бажарилаётганда секвенциал ва композитли шунтлаш техникасани қўлланилишининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

ишлаб турган юракда АКШ амалиёти ўтказилган беморларда "transit-time" принципи бўйича интраоперацион ультратовуш флуометрия кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда амалиётларнинг яқин ва узоқ натижалари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

СҚА сиз ишлаб турган юракда АКШ амалиёти ўтказилган беморларда асоратлар ва нохуш оқибатлар хавфининг потенциал предикторларини аниқлаш;

АКШ амалиёти ўтказилган беморларда юрак ритми бузилишлари профилини ва унинг ишлаб турган юракда АКШ амалиётининг яқин ҳамда узоқ натижаларига таъсирини баҳолаш;

Амиодарон билан антиаритмик терапиянининг амалиётгача, амалиёт вақтида ва амалиётдан кейинги даврларда юқори градациялардаги қоринча аритмиялари пайдо бўлиш хавфи ва кечишига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот объекти - 2015-2018 йилларда РИКИАТМ кардиожарроҳлик бўлимида амалиёт қилинган 638 ЮИК билан касалланган беморлар (шулардан 535 (83,9%) эркалар ва 103 (16,1%) аёллар). Юқори жарроҳлик хавфининг у ёки бу мезонининг мавжудлигига қараб (ЧКА нинг илдизи шикастланиши, паст чап қоринча отиш фракцияси, EuroSCORE \geq 5 қиймати, юқори даражадаги вентрикуляр аритмиялари мавжудлиги ва бошқалар) беморлар жарроҳлик хавфи юқори ва паст бўлган гуруҳларга бўлинган.

Тадқиқот предмети анамнез, физик маълумотлар, ЭКГ параметрлари, эхокардиография, коронар артериялар шикастланишининг ангиографик хусусиятлари, қоннинг лаборатор текширувлари (умумий қон таҳлили,

қоннинг биокимёвий текшируви), интраоперацион флоуметрия кўрсаткичлари, АКШ амалиётининг техник хусусиятлари, амалиётдаги ва амалиётдан кейинги даврдаги гемодинамик кўрсаткичлар.

Тадқиқот усуллари. Мазкур тадқиқотда клиник, анамнестик, биокимёвий, инструментал, статистик услублар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда биринчи марта "Transit time" тамойили бўйича интраоперацион ултратовушли оқим флоуметрияси усули ёрдамида ишлаб турган юракда АКШ амалиётларида яратилган янги шунтлар қон оқимининг миқдорий ва сифат хусусиятлари аниқланган;

жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда (шу жумладан, чап коронар артерия илдизи шикастланган, паст чап қоринча қисқарувчанлиги, юқори даражадаги қоринча аритмияси ва бошқалар) ишлаб турган юракда АКШ амалиётларининг асоратлар ва госпитал леталлик предикторлари аниқланган;

АКШ амалиёти ўтказиладиган барча беморларда 1 суткалик Холтер ЭКГ мониторинги ёрдамида ушбу беморларнинг юрак ритм бузулишлари профили аниқланган, аритмияларнинг частотаси ва тузилиши аниқланган;

Жарроҳлик пайтида янги яратилган шунтларнинг "Transit time" принципи асосида интраоперацион ултратовуш флоуметрия ёрдамида текшириш орқали композицион ва секвенциал шунтлардан фойдаланишнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги, шунингдек, "aorta-no-touch" техникаси ёрдамида тотал артериал ревазуляризация техникасидан фойдаланиш хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган;

Амиодарон билан дастлабки медикаментоз терапиядан сўнг юқори даражадаги қоринча аритмияси бўлган беморларда АКШ амалиётининг хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Янги яратилган шунтлар "Транзит вақт" тамойили бўйича интраоперацион ултратовушли флоуметрия техникаси клиник амалиётга киритилган ва катта жарроҳлик тажрибасида синалган;

Жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда ишлаб турган юракда комбинацияланган шунтлаш кетма-кетлиги техникаси синовдан ўтказилди ва такомиллаштирилган;

Беморларни амалиётга тайёрлаш баённомасига мажбурий равишда кунлик Холтер ЭКГ мониторинги киритилган;

Юқори даражадаги қоринча аритмия бўлган беморларда амалиётдан олдинги даврда амиодарон билан дастлабки дори терапияси амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда

олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб турган юракда АКШ амалиётларини юқори жарроҳлик хавф гуруҳидаги беморларда (шу жумладан юқори даражадаги қоринча аритмияси бўлган беморларда) СҚА ва КП шароитида АКШ амалиётларидан сезиларли даражада паст хавф билан ва самарали ҳамда хавфсиз бажарилиши мумкинлиги далиллари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, асоратлари ва ўлим даражаси паст бўлган жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда кўп сонли операцияларни бажариш, амалиётда қон оқимини текшириш ва аниқлашнинг янги усулини жорий қилиш билан асосланган ҳолда, Республикамизнинг бошқа кардиожарроҳлик марказларида ураётган юракка АКШ операцияларини киритиш орқали жарроҳлик хавфи юқори бўлган, илгари яроқсиз деб тан олинган ёки чет эл тиббиёт марказларида жарроҳлик муолажалари бўйича тавсиялар олган беморларнинг кўпини қамраб олиш имкони билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Асоратланиш хавфи юқори бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорто-коронар шунтлаш амалиётларинг натижалари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорто-коронар шунтлаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 8н-з/168-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияноманинг жорий этилиши жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда ишлаб турган юракда аорто-коронар шунтлаш амалиётини техникасини оптималлаштириш ва стандартлашига ёрдам берган. Хусусан, интраоператив жараёнида юракга позиция бериш, анастомоз яратилаётган сохани миокардини стабилизация усуллари ва кон-томирларни реваскуляризация кетма-кетлиги ёритилган.

«Жарроҳлик реваскуляризациясини талаб қиладиган юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда хатарларни табақалаш методикаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 8н-з/168-сон маълумотномаси). Таклиф этилган услубий тавсияноманинг жорий этилиши жарроҳлик хавфи юқори бўлган, ураётган юракка коронар артерия шунти пайванд қилинадиган беморларнинг периператив бошқарувини оптималлаштиришга ёрдам берган.

Жарроҳлик хавфи юқори булган ЮИК бор беморларда клиник-ангиографик предикторларини баҳолаш ва уларни периператив даврда олиб боришнинг оптималлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика Ихтисослаштирилган Кардиология Илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган, Жиззах ва Қарши филиаллари ва Тошкент вилояти кардиологик диспансери амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги

8н-з/168-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ қилиниши ЮИК билан касалланган беморларда жарроҳлик интенсив терапия бўлимида сунъий нафас вақтини, қон йўқотиш ва плазма ва қон қуйиш ҳажмини камайтириш, асоратлар даражаси ва касалхонада ўлим даражасини пасайтириш, беморларнинг касалхонада даволаниш ва реабилитация даврини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий ишлар нашр қилиниб, улардан 19 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, шулардан 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, қўлга киритилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Жарроҳлик хавфи юқори бўлган беморларда миокарднинг жарроҳлик реваскуляризацияси муаммосининг долзарб ҳолати"** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва жаҳон адабиётлари батафсил таҳлил қилинган. Адабиёт шарҳи боби 5 та кичик бўлимдан иборат бўлиб, унда юрак уришидаги АКШ усулининг эволюцияси, уни турли мамлакатлар ва тиббий тизимлар шароитида клиник амалиётга жорий этиш хусусиятлари, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари таърифланган. СҚА шароитида ва ишлаб турган юракдаги миокард реваскуляризацияси натижаларининг қиёсий хусусиятларига бағишланган асосий йирик кўп марказли тадқиқотлар алоҳида ўрганилди. Алоҳида кичик бўлим юқори жарроҳлик хавфи бўлган беморларда миокарднинг реваскуляризацияси муаммоларига бағишланган. Шунингдек, АКШ амалиётини ўтказиб ЮИК беморларида аритмия муаммосининг долзарб ҳолатининг турли жиҳатлари (операциядан олдин ва кейин қоринча аритмияси, АКШ операцияларидан кейин бўлмачалар фибрилациясини, тўсатдан юрак ўлимини ва бошқаларни) ёритилган.

Диссертация ишининг **"Материаллар ва методлар"** иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари таърифланган, тадқиқотга киритилган

беморларнинг хусусиятлари ва фойдаланилган усуллари ҳамда натижалари баҳоланган статистик усуллар келтирилган. 2015 йилдан 2018 йилгача Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази базасида ишлар олиб борилган.


Тадқиқот материаллари - 2015-2018 йиллар давомида "Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси" юрак хирургияси бўлимида миокардни (коронар артерия бйпассли пайвандлаш) жарроҳлик реваскуларизациясидан ўтган 638 ЮИК бўлган беморлар.

Беморларнинг аксарияти эркаклар бўлиб, 535 беморни, яъни операция қилинган беморларнинг 83,9 фоизини ташкил етди. 103 нафар аёл касал (16,1%) бўлган. Беморларнинг ўртача ёши $60,7 \pm 6,95$ ни (38-80 ёш) ташкил этди, шундан 49 та бемор (7,7%) 70 ёшдан ошган. Тадқиқотга киритиш мезонлари беморнинг изоляция қилинган аорто-коронар шунтлаш амалиёти учун кўрсатмаларидир. Истисно қилиш мезонлари кардиоген шок ривожланиши билан беморнинг беқарор гемодинамикаси, уткир юрак инфарктининг 7 кунидан кам булган давр, коррекция зарур булган чап қоринча аневризмалари (унинг бўшлиғи тромбози билан ёки бўлмаган ҳолда), унинг бир вақтнинг ўзида коррекция талаб қиладиган аниқ валвулар патологиянинг мавжудлиги, беморда сурункали буйрак етишмовчилигининг сўнгги босқичи, гемодиализ ўтказиш ва бошқалардан иборат.

Барча беморлар операциядан олдинги стандарт протоколдан ўтган, унда қон тестлари (қонни тўлиқ текшириш, биокимёвий тестлар, коагулограмма, қон гуруҳи ва бошқалар), ЭКГ, 24 соатлик Холтер ЭКГ мониторинги, ЭхоКГ, кўкрак қафаси рентгенографияси, ангиографик текширув (коронарография) мавжуд булган. Юқори даражадаги КЭ мавжуд бўлганда, беморлар асосий терапиядан ташқари, тўйинтирувчи дозада амиодаронни қабул қилишган, бунга қўшимча равишда, бевосита операция даврида (150-300 мг), шунингдек операциядан кейинги даврда ва касалхонадан кейинги даврда қўллаб турувчи дозаларида давом эттирилган.

Жарроҳлик аралашувининг танлаш усули ОРСАВ технологияси ёрдамида ишлаб турган юракда аорто-коронар шунтлаш (АКШ) амалиёти бўлган. Юракка кириш учун медиан стернотомия ёки чап томон антеролатерал миниторакотомия (MIDCAB технологияси ёрдамида маммаро-коронар шунтлаш амалиёти учун) ишлатилган. Кондуит сифатида чап ва ўнг ички кўкрак (маммарт) артерияси (ЧИКА ва УИКА), радиал артерия ва соннинг катта сафен венаси ишлатилган. Янги шунтларни яратиш тугаллангандан сўнг, "Транзит-тайм" принципи асосида интраоператив ултратовуш оқим ўлчови ўтказилиб, янги яратилган шунтлар учун қон оқимининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари баҳоланган.

20 (3,1%) ҳолатда, турли сабабларга кўра, амалиёт ишлаб турган юрак шароитида тугамаган (СҚА га ўтиш – ёки конверсия - амалга оширилган), қолган 618 (96,9%) ҳолатларда операция ишлаб турган юракда режалаштирилганидек муваффақиятли бажарилган.



1-Расм. Тадқиқот дизайни.

EuroSCORE жарроҳлик хавфи калькулятори қийматига кўра беморлар юқори жарроҳлик хавфи (EuroSCORE \geq 5) ва паст хавфи (EuroSCORE $<$ 5)

гуруҳларига тақсимланган (1-расм). Қўшимча омиллар (ЧКА ўзак шикастланиши, ЧҚОФ<40%, флуометрия ўтказилиши, мураккаб жарроҳлик техникасининг қўлланилиши ва юрак ритми бузилишлари (ЮРБ)) мавжудлиги бўйича беморлар мувофиқ кичик гуруҳларга тақсимланган (1-расм).

Бирламчи охири нукталар сифатида қуйидагилар: госпитал леталлик (АКШ амалиётдан кейин 30 суткагача); тўсатдан юрак ўлими; фатал/нофатал ўМИ; фатал/нофатал ўткир мия қон айланиши бузилиши қабул қилинган. Иккиламчи охири нукталар деб қуйидагилар белгиланган: амалиётдан кейинги эрта ва кеч даврда қайта пайдо бўлган стенокардия; такрорий ревазуляризация; ТИА эпизодлари; госпитализацияни талаб қилувчи ЮИК дестабилашуви; қайта госпитализацияни талаб этувчи СЮЕ декомпенсацияси.

Статистик таҳлил "IBM Inc." дан "IBM SPSS 22.0" статистик дастурий тўплами ёрдамида амалга оширилди (IBM, АКШ).

Статистик бир хилликни аниқлаш учун гуруҳлардаги узлуксиз ва категориал қийматлар бир-бири билан таққосланган. Шунингдек, ҳар бир гуруҳ ичида беморлар ўлим ва асоратларнинг борлиги ва йўқлиги бўйича икки гуруҳга бўлиниб, хавф омилларини (ўлим ва асоратларни башорат қилувчиларни) аниқлаш учун барча доимий ва категориал қийматлар бир-бири билан таққосланган.

Статистик қайта ишлаш қуйидаги усулларни ўз ичига олган:

- бирламчи статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш. Натижалар ўртача ва стандарт оғиш, минимал, максимал қиймат ва доимий ўзгарувчилар учун мутаносиб (фоиз) сифатида тақдим этилган;

- χ^2 -тест усули, Фишернинг аниқ усули, ягона ўзгарувчан таҳлил асосида статистик кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш. Кўрсаткичлардаги фарқлар $p < 0,05$ даражасида статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланган;

- корреляцион таҳлил ёрдамида узлуксиз ва категориал қийматлар ўртасидаги алоқани ўрнатиш - мултивариацион таҳлил (иккилик логистик регрессия) ёрдамида;

- бир-бири билан вақт омилига боғлиқ бўлган ва касалхонада ва узоқ муддатли даврда беморлар билан содир бўлган барча ҳодисалар Каплан-Майер усули ёрдамида қурилган актуар эгри чизиқлари ёрдамида баҳоланган.

8 та бўлимдан иборат **"Ишлаб турган юракда АКШ амалиётини ўтказишнинг тактик ва техник жиҳатлари"** учинчи бобида ураётган юракда АКШ амалиётини бажаришнинг турли жиҳатлари таҳлил қилинган. Шундай қилиб, биринчи кичик бўлимда ОРСАВ технологиясидан фойдаланган ҳолда АКШ амалиётини бажаришнинг техник хусусиятлари батафсил тавсифланган, масалан, юракнинг турли сиртларига хавфсиз ва кенг киришни таъминлаш (перикард тикиш техникаси ва вакуум юрак позициянери ёрдамида), миокардни вакуум миокард стабилизаторлари ёрдамида барқарорлаштириш, интракоронар шунт ва силикон тикувлардан фойдаланиш хусусиятлари.

Иккинчи кичик бўлимда коронар қон томир жароҳатларининг анатомик хусусиятларига ва бошқа техник жиҳатларга қараб миокард реваскуляризациясининг кетма-кетлиги тасвирланган. Реваскуляризация, қоида тариқасида, окклюзия булган реципиент-артерия билан бошланган (аксарият ҳолларда бу олдинги пасаювчи артерия (ОПА) ёки ўнг коронар артерия (ЎКА) булган). Агар тикилиб қолмаган артериялар бўлмаса, реваскуляризация ОПА билан бошланган. Жарроҳнинг афзалликларига қараб, айрим беморларда биринчи навбатда барча дистал анастомозлар ва шундан кейингина проксимал анастомозлар бажарилган. Бундан ташқари, биз реваскуляризациянинг комбинация усулини қўлладик - олдин бир ёки иккита дистал анастомоз (ОПА ва/ёки ЎКА ҳавзаларига) бажариб, сўнгра барча проксимал анастомозлар - одатда учта (айланиб ўтувчи артерия (АЎА)). Ушбу техникадан фойдаланганда юракнинг латерал томони томирларини (АЎА ва Диагонал артерия (ДА) тизимлари) реваскуляризацияси юракнинг олд томони артериялари (ОПА ва ЎКА ҳавзалари) реваскуляризация қилингандан сўнг ва шундан оралиқ қон таъминоти олгандан кейингина амалга оширилган. Бу ОПА ва ЎКА зонасига қон оқимини ўрнатиш оралиқ юрак қон таъминотини анча барқарорлаштириш оралиқ коронар ётоқнинг энг қийин қисмига (юракнинг латерал юзасидаги АЎА зонасини) ўтишга имкон берган. Ушбу услуб янада барқарор гемодинамикага ва юракнинг ён томонини позиция қилишга нисбатан юқори толерантликка эришишга имкон берган.

1-Жадвал. Хавф даражаси юқори (EuroSCORE ≥5) ва паст (EuroSCORE <5) бўлган беморларда дастлабки клиник ва демографик кўрсаткичлар

№	Кўрсаткич	I гуруҳ EuroSCORE ≥5 (n=299)	II гуруҳ EuroSCORE <5 (n=339)	p
1	Аёллар	56 (18,7%)	47 (14,0%)	0,106
2	Ёши	62,49±7,1	59,13±6,5	<0,001
3	Гипертония касаллиги	275 (92,0%)	296 (88,1%)	0,105
4	АГ II-III дар.	39 (13%)	16 (4,8%)	0,001
5	Семизлик	99 (33,3%)	125 (37,8%)	0,605
6	СОУК	69 (23,2%)	54 (16,2%)	0,027
7	Кандли диабет	105 (35,2%)	84 (25,4%)	0,014
8	Сурункали буйрак касаллиги	50 (16,8%)	34 (10,2%)	0,015
9	Анамнезда МИ	224 (74,9%)	218 (65,1%)	0,007
10	МИ ўткир даври	88 (29,9%)	24 (7,3%)	<0,001
11	Анамнезда ўМҚАБ	2 (0,7%)	5 (1,5%)	0,324
12	Уч томирли коронар шикастланиши:	208 (81,9%)	246 (84,0%)	0,687
13	ЧКА илдизи шикастланиши ёки унинг эквиваленти	116 (46,0%)	143 (49,5%)	0,423
14	ЧҚ ОДЎ (мм)	56,88±7,8	54,20±6,0	<0,001
15	ЧҚ ОФ, %	52,62±11,1	57,06±8,2	<0,001
16	ЧҚ ОФ <40%	51 (17,1%)	15 (4,5%)	<0,001
17	ФС III-IV NYHA	290 (97,3%)	282 (84,0%)	<0,001
18	IV Синф стенокардия	102 (78,5%)	69 (38,3%)	<0,001
19	EuroScore add кўрсаткичи	6,72±1,5	2,57±1,3	<0,001
20	EuroScore log кўрсаткичи	7,71±4,5%	2,01±0,7%	<0,001

Асосий кичик булим - бу EuroSCORE жарроҳлик хавфи калькуляторининг қиймати асосида жарроҳлик хавфи юқори ва паст бўлган беморларда ишлаб турган юракда АКШ амалиётлари натижаларини ўрганишга бағишланган. Қиёсий таҳлил учун биз EuroSCORE шкаласи бўйича жарроҳлик хавфи қийматига қараб 2 гуруҳга бўлинган 638 беморни танладик: I гуруҳ - 299 (47,1%) юқори жарроҳлик хавфи гуруҳи (EuroSCORE \geq 5) ва II гуруҳ - Жарроҳлик хавфи паст бўлган 339 (52,9%) бемор (EuroSCORE $<$ 5).

Беморларнинг бошланғич (амалиётдан олдинги) клиник ва функционал параметрларини ўрганаётганда (1-жадвал) I гуруҳдаги (EuroSCORE \geq 5) беморларнинг ёши каттароқлиги, жуда кўп микдордаги жиддий коморбид патологияга эга бўлган одамлар, катта ЧК ўлчовлари ва кичикроқ отиш фракцияси (ОФ), стенокардиянинг юқори функционал синфи ва сурункали юрак етишмовчилиги билан, МИнинг ўткир босқичида ва EuroSCORE хавф калькулятори асосида ҳисобланган амалиёт хавфи катта одамларнинг қисми II гуруҳдаги беморларга нисбатан (EuroSCORE $<$ 5) купроклиги аниқланди.

2-Жадвал. Хавф даражаси юқори (EuroSCORE \geq 5) ва паст (EuroSCORE $<$ 5) бўлган беморларда интраоперацион кўрсаткичлар

№	Кўрсаткич	I гуруҳ EuroSCORE \geq 5 (n=299)	II гуруҳ EuroSCORE $<$ 5 (n=339)	p
1	Амалиёт давомийлиги, мин	223,57 \pm 58,2 (95-460)	227,78 \pm 60,3 (105-630)	0,373
2	ЧИКА (ёки ЎИКА) дан фойдаланиш	292 (97,7%)	330 (98,2%)	0,660
3	Битта амалиётда ўргача шунтлар сони	3,09 \pm 0,7 (1-6)	3,11 \pm 0,8 (1-7)	0,781
4	Мураккаб жарроҳлик техникаси	63 (21,1%)	86 (22,7%)	0,438
5	"Биринчи ОПА" усули	235 (79,1%)	253 (75,5%)	0,385
6	Комбинациялашган шунтлаш техникаси	75 (25,1%)	96 (28,6%)	0,532
7	Юрак позиционеридан фойдаланиш	11 (3,7%)	14 (4,2%)	0,759
8	Ўргача қон йўқотиши, мл	484,55 \pm 256,7	449,31 \pm 194,4	0,065
9	Интраоперацион асоратлар: Йўқ Ҳаёт учун хавфли аритмия Ностабил гемодинамика Анастомозлар билан техник қийинчиликлар, кальцинацияланган аорта ва бошқалар	260 (87,0%) 11 (3,7%) 13 (4,3%) 8 (2,7%)	297 (88,4%) 12 (3,6%) 8 (2,4%) 13 (3,9%)	0,674
10	интраоперацион дефибрилляция	9 (3,0%)	8 (2,4%)	0,849
11	СҚА га Қонверсия	10 (3,3%)	9 (2,7%)	0,623

Изох: ЧИКА (ЎИКА) – чап (унг) ички кўкрак артерия; ОПА- олдинги пасаювчи артерия; СҚА – сунъий қон айланиш.

Операцион давр тафсилотларини ўрганиш шуни кўрсатдики (2-жадвал), икки гуруҳ ўртасидаги амалиёт давомида асосий параметрларда фарқлар

бўлмаган. Амалиётларнинг давомийлиги, артериал каналлардан фойдаланиш, мураккаб жарроҳлик техникаси элементлари ва реваскуляризация тактикаси иккала гуруҳда ҳам деярли бир хил бўлган. Қон йўқотиш, асорат даражаси ва СҚАга ўтиш ҳам бир хил бўлган.

Операциядан кейинги даврни таҳлил қилиш (3-жадвал) инотропик ёрдамга бўлган эҳтиёж ва унинг давомийлиги (EuroSCORE \geq 5 (I гуруҳ) гуруҳидаги беморларга инотропик қўллаб-қувватлашга сезиларли даражада кўпроқ), нафасни қўллаб-қувватлаш давомийлиги (I гуруҳда кўпроқ) ва давомийлиги, амалиётдан кейинги госпитал даври (I гуруҳдаги беморларда 2 кундан ортиқ) ўртасида сезиларли фарқ борлигини кўрсатди. Асорат ва ўлим даражасининг асосий кўрсаткичлари бўйича иккала гуруҳ кўрсаткичларида сезиларли фарқлар мавжуд бўлмаган.

3-Жадвал. Хавф даражаси юқори (EuroSCORE \geq 5) ва паст (EuroSCORE $<$ 5) бўлган беморларда амалиётдан кейинги кўрсаткичлар

№	Кўрсаткич	I гуруҳ EuroSCORE \geq 5 (n=299)	II гуруҳ EuroSCORE $<$ 5 (n=339)	p
1	Инотропик ёрдамга эҳтиёж	261 (53,8%)	112 (33,1%)	<0,001
2	Инотропик қўллаб-қувватлаш вақти, соат	8,41 \pm 11,8	4,76 \pm 9,7	<0,001
3	Механик вентилизация давомийлиги, соат	5,65 \pm 3,4 (1,5-27)	4,79 \pm 2,1 (0-14)	<0,001
4	Дренаж йўқотишлари	351,05 \pm 173,4	368,32 \pm 170,6	0,212
5	Гемотрансфузия	134 (46,2%)	163 (51,3%)	0,213
6	Эритроцитар масса трансфузияси, мл	207,08 \pm 251,5	205,85 \pm 226,2	0,949
7	Асоратлар:			0,596
8	Йўқ	262 (87,6%)	167 (92,8%)	0,596
	Геморрагик, в ш.ж. медиастинум қайта ревизияси	3 (1,0%)	1 (0,3%)	0,596
	Периоператив ЎМИ	1 (0,3%)	2 (0,6%)	0,596
	БФ Пароксизмлари	5 (1,7%)	6 (1,8%)	0,596
	Неврологик бузилишлар	2 (0,4%)	1 (0,3%)	0,596
	Ўткир буйрак етишмовчилиги	1 (0,3%)	1 (0,3%)	0,596
	Шунтлар тромбози	1 (0,3%)	1 (0,3%)	0,596
	Пневмония	4 (1,3%)	1 (0,3%)	0,596
	Юзаки яра инфекцияси	9 (3,0%)	7 (2,1%)	0,596
Медиастинит	1 (0,3%)	1 (0,3%)	0,596	
9	Ўлим	3 (1,0%)	3 (0,9%)	0,886
10	Реанимация бўлимида бўлган вақт, соат	41,46 \pm 21,7 (12-138)	40,07 \pm 18,9 (4-114)	0,392
11	Чиқариш (операциядан кейинги кунлар)	8,05 \pm 2,5 (3-27)	6,97 \pm 1,7 (4-21)	<0,001

Тўртинчи кичик бўлим ЧКАнинг илдизи шикастланган беморларда ишлаб турган юракда АКШ амалиётларининг натижаларига бағишланган.

Иккала кичик гуруҳдаги беморлар амалиётдан олдинги асосий параметрлар бўйича бир хил эди (4-Жадвал). EuroSCORE асосидаги операция қилиш хавфи ЧҚА илдизи жароҳатланган беморлар учун 4,92% ва назорат

гуруҳидаги беморлар учун 4,4% ни ташкил етди. Амалиёт ичидаги давр кўрсаткичлари гуруҳлар ўртасида фарқ қилмаган, битта амалиёт учун шунтларнинг ўртача сони мос равишда 3,12 ва 3,13 ни ташкил этган. Интраоперацион асоратларнинг даражаси, хусусан, СҚАга конверсия, гуруҳларда фарқ қилмаган ва мос равишда 3,9% ва 2,5% ни ташкил этган. ЧКА илдиз жароҳати бўлган беморларда ўлим 1,9%, назорат гуруҳида эса - 0% ташкил этди ($p < 0,05$).

4-Жадвал. ЧКАнинг илдизи шикастланган беморларда АКШ амалиётларининг натижалари

№	Кўрсаткич	ЧКА илдизи (n=259)	Назорат гуруҳи (n=283)	p
1	Аёллар	39 (15,1%)	46 (16,3%)	0,702
2	Ёши	60,62±7,4	60,55±6,8	0,917
3	EuroScore add кўрсаткичи	4,63±2,5	4,33±2,5	0,173
4	EuroScore log кўрсаткичи	4,92±4,7%	4,40±4,0%	0,171
5	Битта амалиётда ўртача шунтлар сони	3,12±0,7	3,13±0,8	0,956
6	Конверсия	10 (3,9%)	7 (2,5%)	0,355
7	Ўлим	5 (1,9%)	0 (0,0%)	0,024

5-чи кичик бўлим ЧҚ қисқарувчанлиги паст бўлган беморларда ишлаб турган юракда АКШ амалиётлари натижаларига бағишланган.

5-Жадвал. ЧҚ қисқарувчанлиги паст бўлган беморларда АКШ амалиётлари натижалари

№	Кўрсаткич	ЧҚОФ<40% (n=66)	ЧҚОФ≥40% (n=571)	p
1	Ёши	62,24±5,7 лет	60,50±7,1	0,055
2	ЧҚ ОДЎ (мм)	66,02±8,1 (52-94)	54,30±5,9 (42-72)	<0,001
3	ЧҚ ОФ, %	35,51±4,5%	57,21±7,6%	<0,001
4	EuroScore add кўрсаткичи	6,14±2,2 (1-10)	4,33±2,5 (0-11)	<0,001
5	EuroScore log кўрсаткичи	7,39±4,7%	4,36±4,1%	<0,001
6	Битта амалиётда ўртача шунтлар сони	3,08±0,9 (1-6)	3,10±0,7 (1-7)	0,822
7	Секвенциал техника	10 (15,1%)	90 (15,8%)	0,985
8	Композит шунтлаш	3 (4,5%)	34 (6,2%)	0,690
9	Конверсия	3 (4,5%)	17 (3,0%)	0,489
10	Инотропик қўллаб-қувватлаш	38 (57,6%)	235 (41,1%)	<0,001
11	Ўлим	0 (0%)	6 (1,1%)	0,403

Иккала гуруҳ ўртасидаги таққослама таҳлил асосида, дастлаб ЧҚОФ<40% бўлган гуруҳда ЧҚ контрактил функцияси паст бўлган беморлар(<40%), юқори NYHA функционал синфларида, ёши каттароқ ва кўп миқдордаги коморбид патологияга эга бўлган беморлар юқори даражада бўлган. EuroSCORE хавф калкуляторига асосланган жарроҳлик операциясининг башорат қилинган хавфи I гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада юқори (деярли икки барабар) (7,39% ва 4,36%) бўлган. Шу билан бирга, ушбу фарқ гуруҳларда интраоперацион (бир беморга 3,08 ва 3,1 шунтлар сони, конверсия даражаси 4,5% ва 3,0%) ва операциядан кейинги даврларга (ўлим 0% ва 1,1%) сезиларли таъсир кўрсатмади. ЧҚОФ<40% бўлган гуруҳда инотропик ёрдамга (ва узокроқ муддатга) кўпроқ эҳтиёж

бўлгани билан сезиларли фарқ аниқланган. Бу ЧҚ миокардининг қисқарувчанлиги паст бўлган беморларда МР тўлиқлигига зарар етказмасдан ишлаб турган юракда АКШ амалиётларини бажариш хавфсизлигини кўрсатади.

6-чи кичик бўлим ишлаб турган юракда АКШ амалиёти пайтида мураккаб жарроҳлик усулларини (секвенциал ва композит шунтлаш) қўллаш имконияти, хавфсизлиги ва самарадорлигига бағишланган (6-Жадвал).

6-Жадвал. Ишлаб турган юракда АКШ амалиётлари натижаларига мураккаб жарроҳлик техникасининг таъсири

№	Кўрсаткич	Мураккаб техника (n=140)	Стандарт техника (n=498)	p
1	EuroScore add кўрсаткичи	4,51±2,4	4,53±2,5	0,937
2	EuroScore log кўрсаткичи	4,61±4,3%	4,72±4,2%	0,805
3				
4	Амалиёт давомийлиги, мин	246,11±66,8	220,12±55,7	<0,001
5	Битта амалиётда ўртача шунтлар сони	3,53±1,02 (1-7)	2,98±0,62 (1-6)	<0,001
6	«Биринчи ОПА» техникаси	118 (84,9%)	372 (75,0%)	0,046
7	Комбинациялашган шунтлаш техникаси	43 (30,7%)	128 (25,7%)	<0,001
8	Конверсия	4 (2,9%)	16 (3,2%)	0,831
9	Ўлим	1 (0,7%)	5 (1,0%)	0,754
10	Реанимация бўлимида бўлган вақт, соат	39,85±20,9 (11-114)	40,94±20,1 (4-138)	0,579
11	Чикариш (амалиётдан кейинги кунлар)	7,45±1,8 (3-15)	7,48±2,8 (4-27)	0,868

Дастлабки клиник ва демографик параметрларга кўра, иккита тадқиқот гуруҳи ўртасида сезиларли фарқ йўқ еди. EuroSCORE калкуляторига кўра амалиёт хавфи мос равишда 4,61% ва 4,72% ни ташкил этган. Мураккаб жарроҳлик техникасидан фойдаланиш амалиётдан кейинги даврга (конверсия даражаси 2,9% га нисбатан 3,2%) ва амалиётлар натижаларига - асоратлар ва ўлим даражаси (0,7% га нисбатан 1,0%) га - салбий таъсир кўрсатмаган. Шу билан бирга, ушбу техникадан фойдаланиш ўртача шунтлар сонини хавфсиз равишда ошириш имкониятини намоиш этди (3.53 стандарт техника гуруҳидаги 2.98 га нисбатан).

7-кичик бўлим "Транзит-тайм" принципи бўйича амалиёт ичидаги ултратовушли оқим флоуметрияси ва унинг ишлаб турган юракда АКШ амалиётлари натижаларига таъсирига бағишланган. Ушбу услубнинг клиник амалиётга татбиқ этилиши амалиёт ичи асоратларнинг умумий даражасининг сезиларли даражада 3,5 бараварга пасайишига (назорат гуруҳидаги 16,6% га нисбатан 4,8%), интраоперацион дефибриляцияга бўлган эҳтиёжни 9,7 бараварга (3,9% га нисбатан 0,4%), СҚАга конверсия даражасининг 3.15 баравар пасайишига (4.1% га нисбатан 1.3%) ва тўлиқ бўлмаган миокард ревазуляризацияси бўлган беморлар сонининг 1.7 баравар камайишига (8.3% га нисбатан 14, 2%) олиб келган. Аммо, бу умумий госпитал ўлим даражасида сезиларли даражада акс этмади.

7-Жадвал. Флоуметрияни узоқ муддатли натижаларга таъсири

№	Кўрсаткич	Флоуметрия (n=225)	Назорат гуруҳи (n=397)	p
1	Амалиётдан кейинги даврда қайта касалхонага ётқизиш	10 (4,4%)	32 (8,3%)	0,413
2	Касалхонага ётқизишларнинг ўртача сони	0,06±0,285	0,15±0,641	0,039
3	Стенокардиянинг қайталаниши	4 (1,8%)	19 (4,8%)	0,042
4	СЮЕ белгилари	3 (1,3%)	10 (2,5%)	0,319
5	МИ	0 (0%)	9 (2,3%)	0,023
6	ЎМКАБ/ТИА	1 (0,4%)	6 (1,5%)	0,225
7	Қайта ревазуляризация	1 (0,4%)	1 (0,3%)	0,684
8	Юрак ўлими	0 (0%)	4 (1,0%)	0,131
9	Юрак бўлмаган сабабларга кўра ўлим	0 (0%)	1 (0,3%)	0,451
10	Катта юрак-қон томир ходисалари (МАССЕ)	2 (0,9%)	18 (4,5%)	0,013
11	Ҳар қандай сабабга кўра ўлим	0 (0%)	5 (1,3%)	0,091

Амалиётдан кейинги узоқ муддатли даврда амалиёт натижаларига интраоператив оқим ўлчовидан фойдаланишнинг таъсирини ўрганиш (7-жадвал) қайта касалхонага ётқизиш сонининг сезиларли пасайганлигини, стенокардиянинг қайталаниши билан одамлар сонининг камайганлигини, амалиётдан кейинги даврда МИ билан ва КЮҚТХ (МАССЕ) сонининг умумий пасайишини кўрсатган.

8-кичик бўлим конверсия ва касалхонада ўлим сабабларини аниқлашга бағишланган. Бизнинг 638 та АКШ амалиётлари ичида интраоперацион конверсия 20 та ҳолатда (3,1%) содир бўлди. Интраоператив СҚАга конверсия (n=20) бўлган беморларнинг амалиётдан олдинги клиник-демографик ва амалиёт факторларини ўрганиш жараёнида қуйидаги муҳим хавф омиллари аниқланди: 70 ёшдан ошганлар (25% ва назорат гуруҳидаги 8,4%), назоратсиз АГ (25% ва 8,3%), V даражали ҚЭ (5% ва 0,5%), жуфтлашган ҚУЭ (3,09 га нисбатан 13,0) ва ҚЭ (9,0 га нисбатан 1,01), шунингдек, ХМЭКГ-да ҚТ югуришининг мавжудлиги (назорат гуруҳидаги 2,6% га нисбатан 11,8%).

Госпитал ўлим даражаси 0,9% (6 бемор) ни ташкил этган. Уларнинг дастлабки клиник-демографик ва операцион кўрсаткичларини ўрганиш натижасида қуйидаги хавф омиллари аниқланди: аёл жинси (66,7% ва назорат гуруҳидаги 15,7%), ТИА тарихи (16,7% ва 0,7%), ЧКА илдизи жароҳатланиши ёки унинг эквиваленти (100% ва 47,3%), ОПАнинг окклюзион жароҳатланиши (100% ва 34,5%), дастлабки гемоглобин даражаси 100 г/л дан паст бўлиши (33,3% ва 4,3%).

Бешта кичик бўлимдан иборат **"Аритмиялар ва аорто-коронар шунтлаш"** тўртинчи бобида АКШ операциясини ўтказадиган беморларнинг аритмик профили, уларнинг жарроҳлик даволаш натижаларига таъсири, операциядан олдинги хавф шароитида аритмия хусусиятлари, операциядан кейинги даврда қоринча экстрасистолиялари ва бўлмача фибрилациялари ўрганилган. АКШ операциясини ўтказадиган аритмия билан оғриган беморларни бошқариш.

ХМ ўтказишда юрак ритми ва ўтказувчанликнинг бузилиши стандарт ЭКГ ўтказилгандан анча юқори бўлганлиги аниқланди. Сўров натижалари 8-жадвалда келтирилган.

8-Жадвал. Аорта-коронар шунлашга муҳтож бўлган ЮИК бўлган беморларда юрак ритмининг бузилиши ва ўтказувчанлик бузилишларининг тузилиши.

Аритмия тури	Беморлар, n=638		p
	ЭКГ	ХМ	
Синус тахикардия	34 (5,3)	539 (84,5)	0,033
Синус брадикардия	13 (2,0)	82 (12,9)	0,29
Суправентрикуляр ритм бузилишлари:			
Ягона ноёб КУЭ	2 (0,3)	161 (25,2)	0,74
Ягона тез КУЭ	-	347 (54,4)	0,027
Уланган КУЭ	-	151 (23,7)	0,11
Группа КУЭ	-	84 (13,2)	0,64
Пароксизм КУТ	-	30 (4,7)	0,87
БФ	5 (0,8)	29 (4,5)	0,11
Қоринчалар ритм бузилиши:			
Ягона ноёб монотопик КЭ	36 (5,6)	101 (15,8)	0,022
Ягона тез-тез моно типдаги КЭ	5 (0,8)	118 (18,5)	0,041
Полицикл ёки полиморфик КЭ	-	364 (57,1)	0,031
Уланган КЭ	-	51 (8,0)	0,018
КЭ гуруҳи	-	22 (3,4)	0,57
«Эрта» КЭ	-	5 (0,8)	0,97
Пароксизмал КТ	-	2 (0,3)	0,58
Ўтказувчанлик бузилишлари:			
АВ блокада I дар.	10 (1,6)	63 (9,9)	0,074
АВ блокада II дар.	-	-	-
АВ блокада III дар.	-	-	-
Қоринчаичи ўтказувчанлик бузилишлари	23 (3,6)	78 (12,2)	0,077
Гис боғлами чап оёғи қамали	27 (4,2)	27 (4,2)	0,58
Гис боғлами ўнг оёғи қамали	2 (0,3)	2 (0,3)	0,39
QTc ўртача, мс	422,7±49,3	436,2±35,7	0,47

24 соатлик Холтер мониторингда кўпроқ синусли тахикардия, суправентрикуляр ва қоринча экстрасистолалар аниқланди, улар ЭКГ ни бир марталик қайд этишда кузатилмаган. Юрак ритми ва ўтказувчанликнинг бузилишлари ЭКГ ни бир марталик қайд этишда Холтер мониторингда нисбатан 3 марта кам аниқланган: ишончли равишда кўпроқ қоринча усти ва қоринча эктопик фаоллик, айниқса юқори градациядаги ҚЭ қайд этилган ($p < 0,05$).

Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: юрак аритмияси бўлмаган беморлар I гуруҳга ($n=118$), аритмия бўлганлар II гуруҳга ($n=520$) тайинланган (9-жадвал).

АКШ амалиётидан олдин РБ ва РБ бўлмаган беморлар гуруҳларини қийсий таҳлилида РБ гуруҳидаги беморларнинг тарихида ИККС кўпроқ кузатилган (26,3% 80,4% га қарши, $p < 0,05$, $\chi^2=2,15$), ЮИК давомийлиги > 5 йил (87,7% га қарши 9,3%, $p < 0,001$, $\chi^2=3,32$), 65 ёшдан ошган одамлар сони

(35,6% га қарши 13,6%, $p < 0,05$, $\chi^2 = 2,21$), ЧҚнинг контрактил функцияси пасайганлар (ОФ < 30%) (0,8% га қарши 12,1%, $p < 0,01$, $\chi^2 = 2,87$), 3 ва ундан ортиқ коронар артерияларнинг шунтланиши (66,9% га қарши 95,4%, $p < 0,01$, $\chi^2 = 2,93$) кўпроқ бўлган. Артериал гипертензия (АГ) (61,9% га нисбатан 88,9%, $p < 0,05$, $\chi^2 = 1,96$) ва 2-тоифа диабет (19,5% га нисбатан 31,9%, $p < 0,05$, $\chi^2 = 2,03$) РБга чалинган беморлар гуруҳида сезиларли даражада кўпроқ кузатилган.

9-Жадвал. ХПСиз ва ХП билан АКШгача бўлган беморларнинг клиник хусусиятлари

Кўрсаткич	РБ йўқ, n=118	РБ, n=520	p
ЮИК давомийлиги, йиллар	4,8±0,7	7,3±1,1	0,023
ЮИК давомийлиги >5 йил (n)	11 (9,3)	456 (87,7)	0,00058
Ёши, йиллар	56,6±7,4	66,8±4,5	0,096
65 ёшдан катталар (n)	16 (13,6)	182 (35,0)	0,031
ИККС (n)	31 (26,3)	418 (80,4)	0,044
ССС бўйича ФС (n)			
II	67 (56,8)	15 (2,9)	0,029
III	22 (18,7)	172 (35,0)	0,2
IV	3 (2,5)	31 (6,0)	0,17
ОФ < 30% (n)	1 (0,8)	63 (12,1)	0,04
Артериал гипертензия (n)	73 (61,9)	462 (88,9)	0,028
Қандли диабет (n)	23 (19,5)	166 (31,9)	0,046
Шунтланган артериялар (n)			
1,	1 (0,8)	-	0,87
2	39 (33,1)	24 (4,6)	0,2
3 ва ундан кўп	78 (66,9)	496 (95,4)**	0,0045

